

ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРНИНГ ХАЛҚ ЧОЛҒУЛАРИДА СОЗАНДАЛИК МАҲОРАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Реймова Зиюар Есемуратовна

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институтини мустақил изланувчиси*

Аннотация: Мақолада халқ чолғулари ижрочилигида созандалик маҳоратини ривожлантиришнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилади. Мазкур йўналишидаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари таҳлил қилинади. Шу билан бирга, созандалик маҳоратини ривожлантириш жараёнида техник кўникмаларга эътибор қаратиш етарли эмаслиги, аксинча, ўқувчининг маънавий-ахлоқий ва ижодий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириш муҳимлиги таъкидланади. Айниқса, таълимнинг узлуксиз занжирида назария ва амалиёт мутаносиблигини таъминлаш ҳамда миллий ижрочиликни замонавий педагогик технологиялар билан бойитиш бўйича таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: халқ чолғулари, созандалик маҳорати, иқтидорли ёшлар, мусиқий таълим методикаси, узлуксиз таълим, ўқувчи-ёшлар.

ВАЖНОСТЬ РАЗВИТИЯ МУЗЫКАЛЬНЫХ НАВЫКОВ УЧАЩИХСЯ В ИГРЕ НА НАРОДНЫХ ИНСТРУМЕНТАХ

Аннотация: В статье рассматривается важность развития музыкальных навыков при исполнении на народных инструментах. Анализируются проблемы в этой области и пути их преодоления. При этом подчеркивается, что в процессе развития музыкальных навыков недостаточно сосредотачиваться на технических навыках, а, наоборот, важно повышать духовный, нравственный и творчески-интеллектуальный потенциал ученика. В частности, выдвигаются предложения по обеспечению баланса теории и практики в непрерывной цепочке образования и обогащению национального исполнительского искусства современными педагогическими технологиями.

Ключевые слова: народные инструменты, музыкальные навыки, талантливая молодежь, методика музыкального образования, непрерывное образование, студенты-молодежь.

THE IMPORTANCE OF DEVELOPING MUSICAL SKILLS OF STUDENTS IN FOLK INSTRUMENTS

Abstract: The article discusses the importance of developing musical skills in the performance of folk instruments. The problems in this area and ways to overcome them are analyzed. At the same time, it is emphasized that in the process of developing musical skills, it is not enough to focus on technical skills, but on the contrary, it is important to increase the

spiritual, moral and creative-intellectual potential of the student. In particular, proposals are put forward to ensure the balance of theory and practice in the continuous chain of education and to enrich national performance with modern pedagogical technologies.

Keywords: *folk instruments, musical skills, talented youth, music education methodology, continuous education, students-youth.*

КИРИШ

Миллий ўзлигимиз тимсоли бўлган халқ чолғулари ижрочилиги навқирон авлод қалбидаги истеъдод куртакларини гуллатишга ҳамда ички имкониятларини юзага чиқаришга хизмат қилувчи беқиёс маънавий хазинадир. Чунончи, халқ чолғуларининг сеҳрли наволари ёш авлод маънавиятини суғорувчи кавсар бўлиши билан бирга, уларнинг фитратида яширинган иқтидор булоқларининг йўлини очиб, юксак санъат сари йўналтирувчи жоиз бўлса ҳаракатландирувчи ижодий-тарбия восита ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам маънавий оламимизнинг ажралмас қисми бўлган халқ чолғулари санъати ёшлар камолотида муҳим ўрин тутиб, уларнинг нодир қобилиятлари орқали келажак ўлини кашф этиш ва интеллектуал-ижодий салоҳиятини юксалтиришда тенгсиз кучга эга бўлиб бормоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Замонавий мусиқий таълим икки зиддиятли тенденция туташувида турибди: турли мусиқий анъаналар ўртасидаги чегараларни йўқотиб юбораётган маданий макондаги глобаллашув ва айнан халқ чолғу ижрочилигида мужассамланган ноёб этномаданий феноменларни сақлаб қолишга бўлган қизиқишнинг ортишидир. Мусиқий таълим тизимларининг тарихий эволюцияси миллий илдизларга қайтишнинг циклик хусусиятини кўрсатса-да, замонавий босқич маданий глобаллашув жараёнларининг мисли кўрилмаган шиддати билан ажралиб туради ва бу анъанавий мусиқа ижрочилиги шакллариининг йўқолиб кетиш хавфини туғдиради. Сўнгги ўн йилликлардаги таълим амалиётининг таҳлили мусиқий таълим тузилмасида халқ чолғулари йўналишининг борган сари иккинчи даражали бўлиб бораётганидан далолат беради. Шу билан бирга, нейрпедагогика ва когнитив психология соҳасидаги тадқиқотлар анъанавий мусиқий амалиётларнинг шахс когнитив ва эмоционал

тузилмалари шаклланишига ўзига хос таъсирини тасдиқлайди. Илмий адабиётлардаги кўп маънолилики (полисемия) ҳисобга олган ҳолда, тадқиқотнинг терминологик аппарати аниқлаштиришни талаб этади. Ушбу ишда “халқ чолғулари” деганда – тарихан этник маданият контекстида шаклланган ва ижрочиликнинг академиклашиш даражасидан қатъи назар, ўз аутентиклигини (аслиятини) сақлаб қолган мусиқа асбоблари тушунилади [1:274].

Айнан мана шундай стратегик мақсадлар Янги Ўзбекистоннинг таълим ва маданият соҳасидаги туб бурилишлари билан уйғунлашиб, иқтидорли ёшларнинг қалб қўрини кашф қилиш ва уларнинг ижодий салоҳиятини жамият тараққиётига татбиқ этишнинг янги даврини бошлаб берди. Янги Ўзбекистонда иқтидорли ёшларнинг қалб қўрини кашф қилиш ва уларнинг санъат оламини янгилашга қаратилган илғор ташаббусларига ҳаёт бахш этиш борасида туб бурилишлар даври бошланди.

ТАХЛИЛЛАР ВА НАТИЖАЛАР

Истиқболли ёшларни аниқлашнинг самарали механизмлари йўлга қўйилиб, уларнинг ижодий салоҳиятини санъат соҳасига фаол татбиқ этиш давлат сиёсатининг устувор мақсадига айланди. Эндиликда, биз ўқитувчиларнинг вазифаси миллий чолғуларимиз сеҳрини жаҳон сахналарига олиб чиқувчи юсак тафаккур эгаси бўлган янги авлод созандаларини тарбиялашдир. Бу жараёнда таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш ва миллий ижрочиликни замонавий методикалар билан бойитиш ҳаётий эҳтиёжга айланди.

Президентимизнинг 2022 йил 2 февралда “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори миллий мусиқамиз тараққиётида янги истиқболли даврни бошлаб берди. Мазкур қарор билан 2022/2023-ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларга миллий мусиқа чолғуларидан камида биттасини чала олиш маҳорати ўргатилади ва бу натижа уларнинг шаҳодатномасида қайд этилади. 10130 та мактаб, 323 та болалар мусиқа мактаби, 826 та маданият маркази 7 турдаги миллий чолғулар билан 3 тўпладан таъминланади. Бунинг

учун давлатимиз томонидан 205 млрд сўм ажратилган эди. 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб таълим муассасаларида ўқувчи ва талабаларнинг musiқий билим ва кўникмаларини ошириш, уларнинг қалбида миллий musiқа санъатимизга бўлган муҳаббатни шакллантиришга қаратилган ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Жумладан, ёшларимизнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, камида 150 та энг яхши миллий кўшиқларни караоке ёрдамида ижро қилиш учун қайта ишлаши ва таълим муассасалари (танаффус пайтида), аэропорт, темир йўл ва автовокзаллар, савдо-кўнгилочар мажмуалар, маданият ва истироҳат боғлари, хийбонлар, меҳмонхоналар ва бошқа ташкилотларнинг локал тармоқлари орқали эшиттириладиган ва ташриф буюрувчиларнинг руҳиятига ижобий таъсир қиладиган миллий куйлардан иборат musiқий альбомларни тайёрлаш ва оммалаштириш ишларига (муаллифлик ҳуқуқларига риоя қилган ҳолда) алоҳида эътибор қаратилди. Қарордан кўзланган мақсад миллатимиз кўзгуси бўлган миллий musiқа санъатимизни халқимиз орасида ва дунёда кенг тарғиб қилиш, ёшларимизнинг musiқий саводхонлигини кўтаришга алоҳида эътибор қаратилди. Инсоннинг musiқа фаолияти асосан уч босқичда амалга оширилади: ижод, ижро ва тинглаш (уқув). Ҳар бир босқичда асарнинг мазмун ва шакли ўзгача кўринишга эга бўлади. Ижод босқичида бадиий ғоя ва шакл муаллиф онгида муштарак ҳолда туғилади. Ижро жараёнида шакл ва мазмун ижрочи томонидан унинг дунёкараши, эстетик тасаввурлари, шахсий тажриба ва маҳоратига мос равишда ўзгартирилади. Musiқа ихлосмандлари ҳам ижро этилаётган асарни ўзларининг хусусий диди, ҳаётий ва бадиий тажрибасига асосланиб қабул қилишади [2:11].

Тўғри musiқа инсон руҳиятининг энг нозик торларини чертувчи, қалбнинг туб-тубидаги изтироб ва қувончларни садолар воситасида ифода этувчи илоҳий мўъжизадир. Ушбу санъат оламида ҳар бир товуш, ҳар бир наво ижодкор қалбидан чиқиб, ижрочининг маҳорат чилагида сайқалланади ва тингловчининг маънавий мулкига айланади. Айниқса, халқ чолғуларининг сеҳрли оҳанглари миллатнинг тарихий хотираси, бугунги нафаси ва келажакдаги орзу-умидларини ўзида мужассам этган ҳолда, созандадан юксак

педагогик техника билан бирга теран мафкуравий тайёргарликни ҳам талаб этади. Шу ўринда Ўзбекистон давлат консерваторияси “Халқ чолғуларида ижрочилик” кафедраси ўқитувчиси Хуршида Мирзафаровна Мирсолихованинг мавзу юзасидан фикрлари диққатга сазовор: “Бунга композиторларимизнинг халқ чолғулари учун ёзаётган концерт, фантазия, рапсодия, сюита каби асарлари, чолғуларимизнинг ҳали очилмаган янги-янги қирраларини намоён қилмоқда. Албатта, буларнинг таг замирида халқимизнинг санъатга бўлган муҳаббати, мамлакатимизда мусиқа таълимини ривожлантириш учун амалга оширилаётган ислохатлар ётади. Қайд этиш керакки, халқ чолғуларида ижрочилик таълимини сифатли олиб бориш, ўргатиш уч босқичда амалга ошириб келинади. Улар бошланғич таълим берувчи БМСМлар, ўрта таълим маскани ҳисобланган Мусиқий коллеж ва лицейлар ва юқори таълим даргоҳи бўлган Мусиқа олий ўқув юртларидир. Уларда ўқитиш, ўргатиш ишлари тегишли таълим дастурлари, ўқув режалари ДТС асосида амалга оширилади. Табиийки, бу соҳада қилинаётган саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бироқ, бугун тўхталмоқчи ва эътиборингизга ҳавола қилмоқчи бўлган ҳолатлар ушбу жараёндаги мавжуд муаммо ва камчиликлар, уларнинг ечимлари ҳақидадир. Чунки, улар халқ чолғулари ижрочиларининг замон талабларига жавоб берадиган мутахассислар, ижро санъатини янада юқори босқичга кўтарувчи, ижод қилувчи созандалар бўлиб етишишлари учун халал бермоқда. Оқибатда “Халқ чолғулари” йўналишида назарий ва амалий жиҳатдан малакали, билимли ўқувчилар нуфузининг тобора камаяётганлиги сир эмас” [3:210].

Халқ чолғулари миллатнинг асрий тарихи ва руҳияти акс этган жонли воситадир. Агар таълим занжиридаги кичик бир бўғин бўлган назария ва амалиёт ўртасидаги мутаносиблик бузилса, созанданинг ижроси ҳам техникадан ҳам қалб ҳароратидан ҳам маҳрум бўлиши мумкин. Бугунги кундаги энг оғриқли нуқта ёш ижрочиларнинг чолғуни шунчаки чалишга бўлган интилиши ва унинг фалсафий мазмунини англаб етмаслигида намоён бўлмоқда. Маҳорат биргина тезкор бармоқлар ҳаракати билан шаклланиб қолмайди. Ҳар бир пардада яширинган миллий руҳни ҳис этиш ва уни тингловчига етказиб бера олиш

орқали сайқал топади. Афсуски, мавжуд методик бўшлиқлар ва эскирган ёндашувлар ёш иқтидорларнинг ижодий парвозига тўсиқ бўлиб, уларни қолиплар ичида қолиб кетишга мажбур қилмоқда. Агар биз бугун ушбу муаммолар устида жиддий бош қотирмасак, эртага нафақат малакали созандани, шу билан бирга, миллий санъатимизнинг асл жавҳарини ҳам йўқотиб қўйишимиз ҳеч гап эмас. Шу боис, халқ чолғулари таълимини ислоҳ қилиш соҳа мутахассисларининг вазифаси ҳамда келажак авлод олдидаги маънавий бурчимиз бўлиб қолади. Ҳозирги кунда ёш авлодда созандалик маҳоратини шакллантириш мусиқий таълимни тараққий эттиришга қаратилган асосий жараёндир. Сабаби, барча санъаткорларнинг энг дастлабки тамал тоши айнан ихтисослашган санъат мактабларида қўйилади ва сайқал топади.

Г.Г. Нейгауз С.Е. Фейнбергнинг пианиночи маҳорати “тўрт бўғинли занжир” билан белгиланиши ҳақидаги фикрини эсга олади: бунда биринчи ўринда инсон, иккинчида санъаткор, учинчида мусиқачи ва тўртинчи ўринда пианиночи туради. Бироқ, Г.Г. Нейгаузнинг фикрича, реал ҳаётда биз бунинг мутлақо аксини кўрамиз. Машҳур педагогнинг ўзи таълим ишларининг асосий мақсади, аввало, мусиқачи шахсини, унинг инсоний фазилатларини тарбиялаш эканлигига ишонарди. Бусиз ижрочилик маҳоратини шакллантиришда муваффақиятга эришиш имконсиздир. Юқорида айтилганларга нисбатан В.А. Сухомлинскийнинг қуйидаги иборасини эслаш ўринли: “Мусиқий тарбия мусиқачини тарбиялаш эмас, аввало инсонни тарбиялаш демакдир”. Шу билан бирга, биз шуни тушунишимиз керакки, мусиқий ижрочилик машғулотлари шароитида тарбия учун янада қулай имкониятлар яралади. Чунки бу жараён сезилмас тарзда, педагог ва ўқувчининг ижодий вазифаларни биргаликда ҳал қилиши ҳамда ушбу жараёнга бўлган иштиёқи орқали амалга ошади. Бундан ташқари, бундай машғулотларнинг ўзи кўплаб ижобий характер хислатларини: масъулият, меҳнатсеварлик, интизомлилик, бошқа инсонларга ва ўзгача фикрларга нисбатан бағрикенглик (толерантлик) ва бошқаларни шакллантиришга хизмат қилади. Шубҳасиз, мусиқанинг ўзи қудратли тарбиявий таъсирга эга эканлигини ҳам унутмаслигимиз лозим. Бу таъсирдан қадим замонлардан бери фойдаланиб келинган, чунки О.А. Блок ибораси билан

айтганда, musiqa sanʼatida “mantiq va tuyʻgu, fikr va kайfiyat bir butunlikda chambarchas boʻlangan” [4:154].

Бироқ, musiqaнинг ушбу юсак тарбиявий имкониятлари ва инсон шахсини шакллантиришдаги қудрати таълим жараёнида ўз-ўзидан рўёбга чиқиб қолмайди. Бунинг учун маънавий ва психологик жиҳатларни қамраб олган мукамал педагогик методика зарур. Афсуски, бугунги кунда миллий ижрочилик таълимида айнан мана шундай яхлит ёндашувнинг етишмаслиги соҳа мутахассислари томонидан кескин танқид қилинмоқда.

“Бугунги кунда ижрочилик санъатининг долзарб муаммоларидан бири бир томондан, тўпланган педагогик тажрибага асосланган, иккинчи томондан эса, ҳар бир musiqaчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олувчи умумий ва хусусий методикани ишлаб чиқишдир” – дейди Ўзбекистон давлат консерваторияси “Халқ чолғулари ижрочилиги” кафедраси профессори в. б. Қаҳрамон Нурмуҳамедович Назиров, шу маънода афсус билан қайд этиш мумкинми, ҳозирги вақтда халқ чолғуларида ижрочиликни ўргатиш методикаси курсларида, хусусан, ўзбек халқ чолғулари бўйича нашр этилган мақола ва қўлланмаларда чекланган ёндашув кузатилмоқда.

Чунки барча тавсиялар, асосан, чолғуни тутиш (постановка) ва товуш ҳосил қилишнинг техник усулларини ўрганиш билан чекланиб қолган. Бунда муаллифларнинг эътиборидан мутахассисни уйғун ривожланган шахс сифатида шакллантирувчи ўқув-тарбиявий характердаги муаммолар бутунлай четда қолмоқда. Бошқача айтганда, ўқитиш жараёнига бошқа соҳалар, хусусан: педагогик этика ва ахлоқ масалалари, дидактик усуллар ҳамда интерфаол мулоқот шаклларида фойдаланган ҳолда самарали ўқитиш йўлларини излашни фаоллаштириш, шунингдек, ўқув жараёнини маънавий-маърифий йўналишни ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш тамойиллари жалб этилиши лозим.

Давр ва замонавий талаблар тақозо этаётган асосий вазифани яъни, халқ чолғуларида ижрочиликни ўргатишнинг шундай методикасини яратиш мумкинми, унда умумий йўналишлардан чолғуларнинг алоҳида гуруҳлари ва оилаларини ўргатиш хусусиятларига ўтиш тамойили кузатилсин. Фақатгина

касбий тайёргарлик тизимидаги турли босқичларни (бошланғич, ўрта, олий) фарқловчи (дифференциал) ана шундай методика асосидагина таълимнинг юқори сифатини прогноз қилиш мумкин[5:52].

Бироқ, бундай тизимли методикани амалиётга татбиқ этишда фақатгина босқичларнинг изчиллиги ва таълимнинг мазмун-моҳияти ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Энг мукаммал ўқув режаси ҳам агар у маънавий-руҳий негизлардан узилса, кутилган натижани бермайди. Афсуски, бутунги таълим жараёнида шахс тарбиясидан кўра қуруқ ахборот беришга, яъни техник кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган когнитив педагогиканинг устуворлиги санъат мактабларининг асл тарбиявий қудратини хиралаштирмоқда. Мухтасар айтганда, ёш созандалар маҳоратини юксалтириш миллий санъатимизнинг жаҳон сахналаридаги зафари ва юксак маънавиятли, рақобатбардош авлод камолотининг мустаҳкам гаровидир.

ХУЛОСА

Халқ чолғулари ижрочилиги миллатнинг тарихий ижроларини ва маънавий оламини авлодларга сўзловчи илоҳий тилдир. Тадқиқот жараёнида аён бўлдики, ўқувчи-ёшларнинг созандалик маҳоратини ривожлантириш техник кўникмаларни эгаллаш билан чекланмайди. Ўқувчиларнинг ижодий-интеллектуал ва ахлоқий камолотини белгиловчи педагогик жараёндир. Хулоса қилиб айтганда, миллий ижрочилик таълимини ислоҳ қилиш, бошланғич мактабдан олий даргоҳгача бўлган занжирда назария ва амалиёт мутаносиблигини таъминлаш орқали тараққий этиб бораверади. Мазкур йўналишдаги тизимли ва мақсадли ёндашувгина миллий санъатимизнинг келажакдаги барҳаётлигини таъминловчи энг мустаҳкам гаров бўлиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Цзе Ван Роль и вызовы народных инструментов в современном музыкальном образовании // Управление образованием: теория и практика. 2025. №6-1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/rol-i-vyzovy-narodnyh-instrumentov-v-sovremennom-muzykalnom-obrazovanii-1> (дата обращения: 15.04.2026).
2. Аҳмедов Б. Миллий мусиқа санъати – миллат кўзгуси// жур. Театр №1. – Тошкент. 2023.
3. Мирсолихова Х. М. Чолғу ижрочилиги таълимини ривожлантиришдаги вазифалар // Oriental Art and Culture. 2023. №3. URL:

<https://cyberleninka.ru/article/n/chol-u-izhrochiligi-talimini-rivozhlantirishdagi-vazifalar>
(дата обращения: 15.04.2026).

4. Панова Н. Г. К вопросу о педагогических условиях развития исполнительских умений и навыков обучающихся-музыкантов // МНКО. 2021. №3 (88). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/k-voprosu-o-pedagogicheskikh-usloviyah-razvitiya-ispolnitelskih-umeniy-i-navykov-obuchayuschih-sya-muzykantov> (дата обращения: 15.04.2026).

5. Назиров К. Н. Подготовка специалистов по народным инструментам // Проблемы Науки. 2021. №10 (167). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/podgotovka-spetsialistov-po-narodnym-instrumentam> (дата обращения: 15.04.2026).